




*“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“UzGazTrade” АЖ  
ягона акциядорининг  
2023 йил 17 августдаги  
13/8-4-сонли қарори  
билан*

# **“UzGazTrade” АЖнинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш СТРАТЕГИЯСИ**

**ТОШКЕНТ, 2023 йил**

# “UZGASTRADE” АЖ ТОМОНИДАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ТАБИЙ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТАБИЙ ГАЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТАШИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СОТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ СХЕМАСИ








# “UZGASTRADE” АЖНИНГ 2023-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида юзага келаётган нефть ва газ соҳасидаги танқислик, унинг мамлакатларнинг ифтисодиётига жиддий таъсир кўрсатиши, шунингдек, табиий газга ортиб бораётган эҳтиёжнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги ИККИ йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади. Ушбу икки йўналишдан фойдаланиш натижасида табиий газ дефицити камаяди.

➤ **Биринчидан**, табиий газ бозорини либераллаштириш. Бунда, газ соҳасини либераллаштириш соҳадаги бозорнинг уйғун ривожланишига ва бозорга янги иштирокчиларни жалб қилинишига олиб келади. Хусусан:

 - бозор иштирокчилари ўртасидаги рақобат муҳитининг яратилиши соҳа компанияларига истеъмолчилар учун курашишга ҳамда ўзларининг фаолиятлари самарасини янада оширишига олиб келади;

 - бозор механизмлари табиий газдан янада самарали фойдаланишга ҳамда ички қазиб олишни кўрсаткичларини янада оширишга туртки бўлади;

 - бозорнинг шаффофлиги хорижий инвесторларни кенгрок жалб этишга, шунингдек давлат томонидан соҳага ажратилаётган субсидияларни кескин камайтиришга имкон пайдо бўлади.

➤ **Иккинчидан**, “Яшил” технологияларни кенг жорий этиш. Бунда, “Яшил” технологиялар мамлакатимизда энергетика соҳасини ривожлаштириш учун юқори салоҳиятни ифодалайди ҳамда табиий газдан фойдаланиш улушини камайтиради. Жумладан:

 - Ўзбекистон шароитида элетроэнергияга ошиб бораётган талабни қондиришда қайта тикланадиган энергия манбалари табиий газни импорт қилишга муқобил бир йўлдир:

 - қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш “Яшил” технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилган экспортбоп товарлар ва хизматларнинг солиқ юқини бирмунча пасайтиради;

 - мамлакатимиздаги қулай об-хаво шароити, яъни бир йилда 320 қуёшли куннинг мавжудлиги.



# Газ соҳасини либераллаштириш босқичлари

Табиий газ бозорини либераллаштириш 2 босқичда амалга оширилиши ва 2025 йил якунига қадар якунланиши мумкин.

Жорий ҳолат:



- 2022 йил 1 августдан бошлаб табиий газ нархи тўлиқ тартибга солинмоқда;
- барча истеъмолчилар учун кафолатли етказиб берувчи ташкилот, яъни “UzGasTrade” АЖ ташкил этилган;
- Давлат “UzGasTrade” АЖнинг барча зарарини қоплаб бермоқда.

## Биринчи босқич.

2024

Табиий газ нархини қисман либераллаштириш. 2024 йил 1 январдан бошлаб:

- табиий газ нархи аҳоли учун тартибга солинади, қолган истеъмолчилар учун эса бозор нархлари белгиланади. Бунда:

\* бозор нархи “UzGasTrade” АЖ томонидан белгиланади ва ягона тартибга солувчи орган билан келишилинилади. Табиий газ нархи импорт паритет нархидан келиш чиқиб шаклланади;

\* Истеъмолчининг тўғридан-тўғри шартномалари мавжуд бўлмаган тақдирда, воситачи унга табиий газни, тартибга солувчи орган томонидан тасдиқланган бозор нархига қўшимча тўлов билан сотишни давом эттириши мумкин;

\* етказиб берувчининг тўғридан-тўғри шартномалари мавжуд бўлмаган тақдирда, воситачи ундан табиий газни, тартибга солувчи орган томонидан тасдиқланган бозор нархидан чегирмалар билан сотиб олишни давом эттириши мумкин.

- барча истеъмолчилар учун кафолатли етказиб берувчи ташкилот, яъни “UzGasTrade” АЖ бўлиб қолади;

- Давлат айрим истеъмолчиларга манзилли субсидиялар беради (ИЭС, кимё саноати, ижтимоий соҳа), шунингдек “UzGasTrade” АЖнинг табиий газни аҳолига етказиб бериш жараёнида вужудга келган барча зарарини қоплайди.

## Иккинчи босқич.

2025

Табиий газ нархини тўлиқ либераллаштириш. 2025 йил 1 январдан бошлаб:

- барча истеъмолчилар учун табиий газнинг бозор нархлари белгиланади (“Худудгазтаъминот” АЖ функциялари қисқартирилади);

- барча истеъмолчилар учун кафолатли етказиб берувчи ташкилот, яъни “UzGasTrade” АЖ бўлиб қолади;

- Давлат “UzGasTrade” АЖ орқали аҳолининг айрим табақасига манзилли субсидиялар бериш тизими жорий этилади, қолган истеъмолчиларга давлат томонидан берилаётган субсидиялар босқичма-босқич пасайтириб борилади;

- “UzGasTrade” АЖ фаолияти самарадорлиги ошади, фаолияти натижасида оладиган даромадининг бир қисмидан аҳолининг айрим табақасига берилаётган манзилли субсидияларни қисман қоплаш тизимига ўтилади.



- ▶ Газ соҳасини либераллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қиладиган ва соҳани тартибга солувчи ягона органни ташкил этишни тақозо қилади.



Мустақил тартибга солувчи орган, ўзига юклатилган соҳани тартибга солиш вазифаларини бажаришда алоҳида юридик мақомга эга бўлиши ва ҳар қандай бошқа ташкилотлардан фуқнционал мустақил бўлиши шарт. Соҳа вазирлиги фақатгина иқтисодий масалаларга оид бўлмаган маслаҳатлар бериши мумкин. Одатда бу каби тартибга солувчи органлар фақатгина Парламентга бўйсинади (Европа давлатлари мисолида).

Мазкур орган соҳани либераллаштиришда қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради.  
Жумладан:

- табиий газни ташиш назорат қилади;
- табиий газни воситачилар орқали сотиб олиш ва сотишда чегирмаларни ва мукофотларни назорат қилиш;
- газ соҳаси ташкилотларининг молиявий ҳаётлигини таъминлаш;
- рақобатни кучайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш; - бозорда бирмунча ҳукмрон бўлган корхоналарнинг суистеъмол қилишидан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш;
- бизнес қарорлар қабул қилинишида сиёсий аралашувни чеклаш;
- инвесторларни ҳимоя қилиш орқали инвестициялар кириб келишини қўллаб-қувватлаш.



**Соҳани тартибга солувчи орган қуйидаги ваколат ва вазифаларга эга бўлади**



## Ваколатлари:

- соҳага оид методология, нормалар ва қоидалар ишлаб чиқиш;
- чора-тадбирларни амалга ошириш ва тартибга солиш;

## Асосий вазифалари:

- етказиб бериш занжири иштирокчилари муносабатларини тартибга солиш;
- лицензиялаш;
- тарифларни ҳисоб-китоб қилиш ва белгилаш;
- чегирмалар ва мукофотларни ҳисоб-китоб қилиш;
- инвестицион режалаштириш;
- трансчегаравий алмашинув;
- истеъмолчиларни ҳимоя қилиш;
- бозор рақобатини яратиш;
- таъминотни кафолатлаш.



# “UzGasTrade” акциядорлик жамиятининг мавжуд қарздорликларини бартараф этиш бўйича таклифлар

## Муаммо

Жорий йил 1 июль ҳолатига “UzGasTrade” АЖнинг табиий газ қазиб чиқарувчилар олдидаги жами қарздорлиги **710,7 млн. АҚШ доллар ва 664,6 млрд сўмни** ташкил этмоқда. Ушбу қарздорликларнинг ошишига асосан етказиб берилган табиий газ маҳсулоти учун истеъмолчилар томонидан тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги, шунингдек субсидия маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида ажратилмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида хорижий ҳамкор компаниялар инвестицион лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширмаслиги ҳақида огоҳлантириб, газ қазиб чиқариш йиллик 3 – 5 млрд. куб метрга қисқаришига олиб келишини билдирган. Бу ҳолат жадал суръатларда ўсиб бораётган Республика иқтисодиёти шароитида, келгусида ёқилғи–энергетика ресурсларининг жиддий танқислигига олиб келади.

Энергетика соҳаси давлат томонидан бевосита бошқарилиши ва молиялаштирилиши умумий харажатлар, зарар ва йўқотишларни ошиб кетишига ҳамда бир неча босқичдан иборат бўлган бошқарув тизимини оптималлаштириш жараёнларига ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатади.

## Таклиф

1. Давлат бюджети параметрларида тасдиқланган субсидия маблағларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўз вақтида молиялаштириш чораларини кўриш.
2. “UzGasTrade” АЖ олдида дебитор қарздорлиги мавжуд корхона ва ташкилотлардан тўловларни ва ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.
3. Табиий газни республика ички бозорига сотишдан “UzGasTrade” АЖнинг ягона махсус ҳисобварағига тушадиган маблағлар тақсимоотида Жамиятнинг ўз эҳтиёжлари учун қолдириладиган қисмини қайта кўриб чиқиш ва уни ошириш чораларини кўриш.
4. Табиий газ истеъмолчилари ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин етказиб бериш юзасидан тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 100 фоизи миқдоридида “UzGasTrade” АЖнинг банк ҳисоб рақамига тўловларни олдиндан амалга ошириш бўйича чоралар кўриш.

1. Солиқ, давлат божлари, тарифлар, нарх-наво ҳамда очиқ биржа савдоларини такомиллаштириш орқали Энергетика саноатида, шунингдек табиий газ соҳасида бозор механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўриш.
2. Аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ҳимоя қилиш учун ижтимоий нормаларни киритиш ва нархларни шакллантиришнинг шаффоф механизмларини жорий қилиш орқали табиий газ бозорини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириш, шунингдек соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш.



# “UzGasTrade” АЖ томонидан 2023 йил январь-июнь ойларида сотиб олинган табиий газ тўғрисида маълумот

Ишлаб чиқарувчилар	Сотиб олинган табиий газ ҳажми (млн.куб)	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича (млн.сўмда)			
		Ҳисобланди	Жамият томонидан тўланган маблағ	дебитор қарздорлик	кредитор қарздорлик
<b>Жами кўрсаткичлар</b>	<b>10 594,6</b>	<b>3 657 609,6</b>	<b>4 179 721,1</b>	<b>510 496</b>	<b>664 601,6</b>
"Ўзбекнефтегаз" АЖ (ўз эҳтиёж ва техник йўқотишлар учун)	10 107	3 436 387,5	3 497 943,6	0	534 236,12
МЧЖ ҚК Natural Gas-Stream	362,1	156 004,8	111 500,0	0	118 829,53
МЧЖ ҚК "Гиссарнефтегаз"	30,0	13 847,5	9 500,0	0	9 456,07
МЧЖ ҚК "Кокдумалакгаз"	4,5	1 865,8	777,5	0	1 865,89
МЧЖ ҚК "Uz Gas Energy"	91,0	49 504,0	560 000,0	510 496	0
<b>Жами кўрсаткичлар (АҚШ доллар)</b>	<b>9 223,1</b>	<b>1 123 977 170,83</b>	<b>917 385 919,35</b>	<b>7 291 484,1</b>	<b>710 735 200,78</b>
МЧЖ ҚК "Uz-Kor Gas Chemical"	1 425,2	147 917 325,06	107 492 913,28	0	100 329 621,24
Газпром Экспорт (Ўзтрансгаз орқали)	465,0	73 995 332,90	0	0	16 554 748,65
LUKOIL Overseas Supply and Trading LTD	4 724,0	496 020 725,24	449 698 701,08	0	407 430 151,61
Туркменгаз	58,8	8 820 969,0	0	7 291 484,1	0
Газпром Экспорт (импорт)	2 550,1	397 222 818,63	360 194 304,99	0	186 420 679,28

*Изоҳ: 2023 йилнинг январь-февраль ойларида 2022 йилда харид қилинган табиий газ учун кредитор қарздорликни қоплаш мақсадида “Лукойл”га 310 млн. АҚШ доллари, “Газпром экспорт”га 75,9 млн. АҚШ доллари ва 22 933 млн. рубль тўлаб берилди.*



**“UzGasTrade” АЖ томонидан 2023 йил январь-июнь ойларида истеъмолчиларга сотилган табиий газ тўғрисида маълумот**

Ишлаб чиқарувчилар	Сотилган табиий газ ҳажми (млн.куб)	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича (млн.сўмда)			
		Ҳисобланди	Жамиятга келиб тушган маблағ	дебитор қарздорлик	кредитор қарздорлик
<b>Жами кўрсаткичлар</b>	<b>21 174,4</b>	<b>14 341 844,6</b>	<b>13 697 190,2</b>	<b>3 476 007,3</b>	<b>199 875,1</b>
"Ўзтрансгаз" АЖ (ўз эҳтиёж ва техник йўқотишлар учун)	569,9	423 247,2	604 132,9	0	4 444,9
"Hududgazta'minot" АЖ	10 906,0	4 089 758,8	3 739 566,6	985 751,2	0
"Навоий КМК" АЖ	41,5	56 894,3	63 776,1	0	16 819,9
"Навоий Уран" ДК	0,5	329,6	279	0	14,7
"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси	306,9	300 400,2	290 430,7	8 696,0	26 376,8
"Ўзкимёсаноат" АЖ	1 132,2	1 245 424,1	991 873,4	358 810,6	0
"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	6 406,8	6 406 795,3	6 268 348,3	1 686 639,3	0
"Централ азия энерги" МЧК УК	228,2	228 235,6	172 601,0	95 589,8	0
"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ	1 091	1 090 951,7	1 108 253,9	301 721,3	106 243,9
АГТКШ ва бошқа истеъмолчилар	491,4	499 807,8	457 928,1	38 799,1	45 974,9





# Энергетика вазирлиги томонидан прогноз қилинаётган баланс бўйича 2023-2028 йиллардада сотиб олинадиган табиий газ ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида

2023

Табиий газ ишлаб чиқарувчилар

«Ўзбекнефтегаз» АЖ  
21 122,9 млн. куб. м  
7 181 783 млн. сўм

ҚҚ ва МТБлар  
20 460,3 млн. куб. м  
19 779 309 млн. сўм

Импорт  
6 431,4 млн. куб. м  
15 542 680 млн. сўм

Ер ости газ сақлаш омборлари  
3 213,1 млн. куб. м

Жами 51 227,7 млн. куб. м.  
44 368 894 млн.сўм

Ўртача сотиб олиш нархи (ҚҚС билан)  
965 473 сўм

2024

Табиий газ ишлаб чиқарувчилар

«Ўзбекнефтегаз» АЖ  
20 835,7 млн. куб. м  
8 500 964 млн. сўм

ҚҚ ва МТБлар  
21 032,9 млн. куб. м  
23 668 519 млн. сўм

Импорт  
10 206,5 млн. куб. м  
25 414 253 млн. сўм

Ер ости газ сақлаш омборлари  
3 900 млн. куб. м

Жами 55 975,1 млн. куб. м.  
60 633 446 млн.сўм

Ўртача сотиб олиш нархи (ҚҚС билан)  
1 214 559 сўм

2025

Табиий газ ишлаб чиқарувчилар

«Ўзбекнефтегаз» АЖ  
21 103,1 млн. куб. м  
10 340 531 млн. сўм

ҚҚ ва МТБлар  
23 154,3 млн. куб. м  
32 687 846 млн. сўм

Импорт  
7 277,2 млн. куб. м  
20 630 796 млн. сўм

Ер ости газ сақлаш омборлари  
3 900 млн. куб. м

Жами 55 434,7 млн. куб. м.  
66 134 869 млн.сўм

Ўртача сотиб олиш нархи (ҚҚС билан)  
1 343 521 сўм

2026

Табиий газ ишлаб чиқарувчилар

«Ўзбекнефтегаз» АЖ  
20 168,8 млн. куб. м  
11 859 866 млн. сўм

ҚҚ ва МТБлар  
22 381,9 млн. куб. м  
37 149 569 млн. сўм

Импорт  
11 834 млн. куб. м  
37 750 478 млн. сўм

Ер ости газ сақлаш омборлари  
4 050 млн. куб. м

Жами 58 435,7 млн. куб. м.  
91 289 970 млн.сўм

Ўртача сотиб олиш нархи (ҚҚС билан)  
1 755 224 сўм

2027

Табиий газ ишлаб чиқарувчилар

«Ўзбекнефтегаз» АЖ  
19 676 млн. куб. м  
13 891 230 млн. сўм

ҚҚ ва МТБлар  
25 187,1 млн. куб. м  
52 694 501 млн. сўм

Импорт  
16 609,5 млн. куб. м  
59 212 928 млн. сўм

Ер ости газ сақлаш омборлари  
4 050 млн. куб. м

Жами 65 522,6 млн. куб. м.  
132 904 211 млн.сўм

Ўртача сотиб олиш нархи (ҚҚС билан)  
2 243 526 сўм

2028

Табиий газ ишлаб чиқарувчилар

«Ўзбекнефтегаз» АЖ  
19 241,3 млн. куб. м  
16 297 354 млн. сўм

ҚҚ ва МТБлар  
26 935 млн. куб. м  
69 487 717 млн. сўм

Импорт  
17 379,7 млн. куб. м  
68 823 503 млн. сўм

Ер ости газ сақлаш омборлари  
4 050 млн. куб. м

Жами 67 606 млн. куб. м.  
162 867 394 млн.сўм

Ўртача сотиб олиш нархи (ҚҚС билан)  
2 638 410 сўм



2023

Табиий газ истеъмолчилари

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ

15 759,3 млн. куб. м  
15 759 302 млн. сўм

«Узқурилишматериаллари» АЖ

759,5 млн. куб. м  
759 512 млн. сўм

АГТКШ ва бошқалар

1 276,7 млн. куб. м  
1 177 785 млн. сўм

«Ўзтрансгаз» АЖ

1 252,6 млн. куб. м  
868 052 млн. сўм

Молиявий фаолиятнинг даромадлари  
14 200 000 млн. сўм

Жами 51 227,7 млн. куб. м.  
30 051 211 млн.сўм

2024

Табиий газ истеъмолчилари

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ

16 423,4 млн. куб. м  
21 350 435 млн. сўм

«Узқурилишматериаллари» АЖ

1 430,8 млн. куб. м  
1 860 040 млн. сўм

АГТКШ ва бошқалар

1 572,3 млн. куб. м  
2 043 990 млн. сўм

«Ўзтрансгаз» АЖ

1 350,1 млн. куб. м  
1 755 130 млн. сўм

Молиявий фаолиятнинг даромадлари  
24 800 000 млн. сўм

Жами 55 975,1 млн. куб. м.  
53 309 324 млн.сўм

2025

Табиий газ истеъмолчилари

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ

15 233,9 млн. куб. м  
25 745 215 млн. сўм

«Узқурилишматериаллари» АЖ

1 437,5 млн. куб. м  
2 429 375 млн. сўм

АГТКШ ва бошқалар

1 672,3 млн. куб. м  
2 826 187 млн. сўм

«Ўзтрансгаз» АЖ

1 400 млн. куб. м  
2 366 000 млн. сўм

Молиявий фаолиятнинг даромадлари  
17 700 000 млн. сўм

Жами 55 434,7 млн. куб. м.  
68 427 130 млн.сўм

«Ўзкимёсаноат» АЖ  
4 707,1 млн. куб. м  
7 955 036 млн. сўм

«Навоий КМК» ДК  
100,0 млн. куб. м  
169 000 млн. сўм

«Худудгазтаъминот» АЖ  
23 669,9 млн. куб. м  
26 936 316 млн. сўм

Давр харажатлари  
123 182 млн. сўм

Транспортировка хизмати  
11 779 863 млн. сўм

Ўртача сотиш нархи (ҚҚС ва акциз билан)  
1 419 042 сўм

2026

Табиий газ истеъмолчилари

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ

17 038,8 млн. куб. м  
37 434 213 млн. сўм

«Узқурилишматериаллари» АЖ

1 443,3 млн. куб. м  
3 170 930 млн. сўм

АГТКШ ва бошқалар

1 683 млн. куб. м  
3 697 602 млн. сўм

«Ўзтрансгаз» АЖ

1 279,1 млн. куб. м  
2 810 291 млн. сўм

Молиявий фаолиятнинг даромадлари  
20 200 000 млн. сўм

Жами 58 435,7 млн. куб. м.  
94 449 268 млн.сўм

2027

Табиий газ истеъмолчилари

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ

19 915 млн. куб. м  
56 877 324 млн. сўм

«Узқурилишматериаллари» АЖ

1 449,1 млн. куб. м  
4 138 630 млн. сўм

АГТКШ ва бошқалар

1 693,8 млн. куб. м  
4 837 559 млн. сўм

«Ўзтрансгаз» АЖ

1 456,6 млн. куб. м  
4 160 185 млн. сўм

Молиявий фаолиятнинг даромадлари  
20 700 000 млн. сўм

Жами 65 522,6 млн. куб. м.  
142 511 161 млн.сўм

2028

Табиий газ истеъмолчилари

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ

19 825,8 млн. куб. м  
73 613 072 млн. сўм

«Узқурилишматериаллари» АЖ

1 449,1 млн. куб. м  
5 380 508 млн. сўм

АГТКШ ва бошқалар

1 704,7 млн. куб. м  
6 329 556 млн. сўм

«Ўзтрансгаз» АЖ

1 508,8 млн. куб. м  
5 602 278 млн. сўм

Молиявий фаолиятнинг даромадлари  
11 900 000 млн. сўм

Жами 67 606 млн. куб. м.  
192 415 196 млн.сўм

«Ўзкимёсаноат» АЖ  
9 880 млн. куб. м  
36 684 440 млн. сўм

«Навоий КМК» ДК  
100,1 млн. куб. м  
371 671 млн. сўм

«Худудгазтаъминот» АЖ  
25 773,5 млн. куб. м  
64 433 670 млн. сўм

Давр харажатлари  
149 825 млн. сўм

Транспортировка хизмати  
14 366 267 млн. сўм

Ўртача сотиш нархи (ҚҚС ва акциз билан)  
3 194 039 сўм



# Энергетика вазирлиги томонидан прогноз қилинаётган баланс бўйича 2023-2028 йиллардада сотиб олинadиган, реализация қилинган табиий газ нархлари тўғрисида

Ишлаб чиқарувчилар	Ўлчов бирлиги	2023 йил учун нарх	2024 йил учун нарх		2025 йил учун нарх		2026 йил учун нарх		2027 йил учун нарх		2028 йил учун нарх	
			нарх	ўсиш	нарх	ўсиш	нарх	ўсиш	нарх	ўсиш	нарх	ўсиш
"Ўзбекнефтегаз" АЖ	минг сўм	340,0	408,0	20%	490,0	20%	588,0	20%	706,0	20%	847,0	20%
МЧЖ ҚК "Uz-Kor Gas Chemical"	долл.	103,79	102,0	-2%	101,0	-1%	100,0	-1%	99,0	-1%	98,0	-1%
LUKOIL Overseas Supply and Trading LTD	долл.	105,0	120,8	15%	138,9	15%	159,7	15%	183,6	15%	211,2	15%
МЧЖ ҚК Natural Gas-Stream	долл.	115,0	132,3	15%	152,1	15%	174,9	15%	201,1	15%	231,3	15%
МЧЖ ҚК "Гиссарнефтегаз"	минг сўм	1 089,5	1 307,0	20%	1 568,0	20%	1 882,0	20%	2 258,0	20%	2 710,0	20%
"Зарубежнефтегаз" МЧЖ	долл.	105,0	120,8	15%	138,9	15%	159,7	15%	183,6	15%	211,2	15%
"Epsilon Development Company" МЧЖ ХК	минг сўм	544,0	544,0	0%	653,0	20%	784,0	20%	941,0	20%	1 130,0	20%
"Surhon Gaz-Chemikal" МЧЖ ҚК	долл.	120,0	138,0	15%	158,7	15%	182,5	15%	209,9	15%	241,4	15%
Импорт	долл.	185,0	200,0	8%	210,0	5%	220,0	5%	230,0	5%	240,0	4%
Истеъмолчилар	Ўлчов бирлиги	2023 йил учун нарх	2024 йил учун нарх		2025 йил учун нарх		2026 йил учун нарх		2027 йил учун нарх		2028 йил учун нарх	
			нарх	ўсиш	нарх	ўсиш	нарх	ўсиш	нарх	ўсиш	нарх	ўсиш
"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	минг сўм	1 000,0	1 300,0	30%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
"Ўзкимёсаноат" АЖ	минг сўм	1 100,0	1 300,0	18%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
"Ўзқурилишматериаллари" АЖ	минг сўм	1 000,0	1 300,0	30%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
"Навои КМК" ДК	минг сўм	1 300,0	1 300,0	0%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
АГТҚШлар	минг сўм	1 000,0	1 300,0	30%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
Бошқа истеъмолчилар	минг сўм	660,0	1 300,0	97%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
"Худудгазтаъминот" АЖ	минг сўм	375,0	875,0	133%	1 138,0	30%	1 479,0	30%	1 923,0	30%	2 500,0	30%
"Ўзтрансгаз" АЖ	минг сўм	693,0	1 300,0	88%	1 690,0	30%	2 197,0	30%	2 856,0	30%	3 713,0	30%
Экспорт	долл.	200,0	230,0	15%	240,0	4%	250,0	4%	260,0	4%	270,0	4%
Транспортировка хизмати	минг сўм	238,0	238,0	0%	238,0	0%	238,0	0%	238,0	0%	238,0	0%



# “UzGasTrade” АЖ томонидан мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечимини топиш бўйича таклиф ва кутилаётган натижалар

## Мавжуд муаммо

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 216 та истеъмолчилардан жами 68 та истеъмолчиларни “Худудгазтаъминот” АЖнинг саноат тармоғига ўтказилганлиги натижасида даромад ойига 26,6 млрд.сўмга камайишига олиб келди.

Мазкур 216 та истеъмолчилар “Худудгазтаъминот” АЖга ўтказилган тақдирда Давлат бюджетидан 2023 йилда ажратилиши кўзда тутилган субсидия маблағларига 813,3 млрд.сўм қўшимча субсидия ажратилишига сабаб бўлади.

“Навоий-IV” ГТСдан “Навоий” ИЭСгача бўлган 8,9 км (Ø 720 мм ли), “Тахиатош” ГТС орқали “Тахиатош” ИЭСга табиий газ етказиб берувчи 208 метр (529 мм), “Бинокор” ГТСнинг 4-ўлчов узелидан “Тошкент” ИЭМгача 17,1 км (Ø 400-530 мм) газ қувурлари “Худудгазтаъминот” АЖнинг балансида ва “Тахиатош” ГТС орқали “Тахиатош” ИЭСга табиий газ етказиб берувчи (Ø 720 мм ли) 2,27 км узунликдаги 1, 2 ва 3 тугунлардан чиққан газ қувурлари истеъмолчининг балансида эканлиги, бироқ ушбу истеъмолчилар табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар рўйхатига киритилганлиги ва уларга фақат “Ўзтрансгаз” АЖ газ қувурлари орқали “UzGasTrade” АЖ томонидан тўғридан-тўғри табиий газ сотиш шартномалари орқали етказиб берилиши белгиланган.

## Таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги ПФ-6010-сон Фармони 3, 4 ва 5-бандларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича аниқ таклифлар билан тегишли қарор лойиҳасини киритиш.

1. Худудгазтаъминот” АЖ балансига берилган 8,9 км газ қувурини, “Ўзтрансгаз” АЖ балансига, “Тахиатош” ГТС орқали “Тахиатош” ИЭСга табиий газ етказиб берувчи 208 метр (529 мм ли) газ қувурини “Тахиатош” ИЭС балансига қисқа муддатларда ўрнатилган тартибда қайта расмийлаштириш.

2. “Бинокор” ГТС орқали “Тошкент” ИЭМга табиий газ етказиб бериш учун, “Тошкент” ИЭМни табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкилотлар рўйхатига киритилганлиги инobatга олган ҳолда, истисно тариқасида “UzGasTrade” АЖ билан расмийлаштирилган табиий газ сотиш шартномалари орқали газ таъминоти амалга оширилиши.

## Кутилаётган натижа

Давлат бюджетидан **813,3 млрд сўм** қўшимча субсидия маблағларини ажратилиши олди олинади.

“Навоий” ИЭС (йиллик 1,6 млрд.куб метр), “Тахиатош” ИЭС (йиллик 1,1 млрд.куб метр), “Тошкент ИЭМ” (йиллик **250 млн.куб метр**)га етказиб берилаётган табиий газ миқдорлари “UzGasTrade” АЖ орқали сотилишига эришилади, куз-қиш мавсумида стратегик ва йирик корхоналарга ҳамда аҳоли хонадонларига барқарор табиий газ етказиб берилиши таъминланади.



# “UzGasTrade” АЖ томонидан мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечимини топиш бўйича таклиф ва кутилаётган натижалар

## Мавжуд муаммо

Жамиятнинг 2022 йилги зарари **3,9 трлн.сўмни** ташкил этиб Давлат бюджетида тасдиқланган режа (**9,2 трлн. сўм**) бўйича **5,2 трлн.сўм** субсидия маблағлари ажратилган.

Жамият томонидан 2022 йилнинг август-декабрь ойларида жами **747,7 млрд.сўм** миқдорда акциз солиғи тўланди.

2023 йилда Давлат бюджетидан **14,2 трлн сўм** субсидия маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб шундан бугунги кунда **8,4 трлн.сўм** маблағ ажратилди.

Шунингдек, 2023 йилда **2,6 трлн.сўм** миқдорда акциз солиғи тўланиши кўзда тутилган бўлиб шундан 1 июль ҳолатига жами **1,03 трлн.сўм** акциз солиғи тўланди.

Маблағлар тақчиллиги натижасида жамиятнинг табиий газ етказиб берувчи корхоналар олдидаги кредитор қарздорлиги жорий йил бошидан буён **289,8 млрд.сўмга** ошди..

2023 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра “UzGasTrade” АЖ олдида қуйидаги йирик ва стратегик истеъмолчиларнинг қарздорлиги мавжуд:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ **1 799,7 млрд. сўм**; (Янги-Ангрен ИЭС АЖ билан)

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ **305, 1 млрд. сўм**;

“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимига қирувчи корхоналарнинг **359, 2 млрд. сўм**;

“Худудгазтаъминот” АЖ **985,7 млрд. сўм**.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ етказиб берилган табиий газ учун **90 кун ичида** унинг ҳақи тўланмаса, Сотувчида муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорлик юзага келади ва бунинг учун мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик назарда тутилган.

## Таклиф ★

Маблағлар тақчиллиги ва Жамиятнинг табиий газ етказиб берувчи корхоналар олдидаги кредитор қарздорликларини камайтириш мақсадида жорий йилнинг 1 августидан бошлаб “UzGasTrade” АЖни акциз солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича тегишли Ҳукумат қарорини қабул қилиш таклиф этилади.

Бугунги кунда етказиб берилган ёқилғи-энергия ресурслари учун тўловлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Идоралараро тариф комиссияси томонидан белгиланган тарифлар асосида ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ етказиб берилган табиий газ учун 90 кун ичида унинг ҳақи тўланмаса, Сотувчида муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорлик юзага келади ва бунинг учун мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик назарда тутилган.

Ўз навбатида юқоридаги қарздор корхоналарга нисбатан судларга даъво аризалари киритилиши орқали қарздорликни ундириш билан бирга улардан қўшимча суд харажатларининг (давлат божи 2 %, ижро ҳаракатлари ва ҳ.к.) ундирилишига олиб келади. Мазкур ҳолат эса уларнинг молиявий ҳолатига, ишлаб чиқариш жараёнларига ҳамда ёқилғи-энергетика корхоналарини 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш чоралари кўрилишига салбий таъсир кўрсатади.

## Кутилаётган натижа

“UzGasTrade” АЖни акциз солиғи тўловидан август ойидан бошлаб озод қилиш натижасида Жамият ихтиёрида **1,2 трлн.сўм** маблағлар қолишига ҳамда кредитор қарздорликларини камайтиришга эришилади.

Амалдаги ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари ўртасида вужудга келган дебитор ва кредитор қарздорликни камайтириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш орқали қарздор корхоналарга нисбатан судларга даъво аризалари киритилиши орқали қарздорликни ундириш билан бирга улардан қўшимча суд харажатларининг (давлат божи 2 %, ижро ҳаракатлари ва ҳ.к.) ундирилишининг олди олинишига олиб келади.



# “UzGasTrade” АЖ томонидан мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечимини топиш бўйича таклиф ва кутилаётган натижалар

## Мавжуд муаммо

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.11.2022 йилдаги 19-66-сонли топшириғи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли йиғилиш баёнини 19-бандида “Asia Trans Gas” МЧЖ ҚК га қарашли сикув компрессор станцияларини ёқилғи газни билан таъминланиши белгиланган. Шунга асосан, “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан “Asia Trans Gas” МЧЖ ҚК ўзаро шартнома тузиб, натижада 2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари давомида жами **40,3 млн.куб.метр** 2023 йилнинг январь-июнь ойлари давомида жами **142,3 млн.куб.метр** табиий газ етказиб берилган (жами **182,6 млн.куб.метр**).

2022 йилнинг ноябрь ойида **23,6 млн.куб метр** етказиб берилган бўлса, **4,1 млн.куб метр** реализация сифатида далолатномада акс эттирилган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг декабрь ойида **27,6 млн.куб метр** ва **3,96 млн.куб метр**, 2023 йил январь ойида **29,6 млн.куб метр** ва **3,6 млн.куб метр**, февраль ойида **24,9 млн.куб метр** ва **2,6 млн.куб метр**, март ойида **24,4 млн.куб метр** ва **1,16 млн.куб метр**, апрель ойида **15,8 млн.куб метр** ва **214,4 минг.куб метр**, май ойида **14,142 млн.куб метр** ва **496,2 минг.куб метр**ни ташкил этган.

## Таклиф ★

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-280-сон қарорига асосан, “UzGasTrade” АЖ табиий газни сотиш бўйича ягона операторлигини инобатга олиб, “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан “Asia Trans Gas” МЧЖ ҚК ўрталарида тузилган шартнома бекор қилиниб, табиий газ олди-сотди шартномасини “UzGasTrade” АЖ ва “Asia Trans Gas” МЧЖ ҚК ўртасида расмийлаштириш.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Муборак ГҚИЗ” табиий газ ҳажмларини “Муборак ИЭМ” АЖга шартнома асосида тўғридан-тўғри етказиб берилишига йўл қўймаслик мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-280-сон қарори ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг айтиб ўтилган топшириғини қайта кўриб чиқиш.

## Кутилаётган натижа

“Asia Trans Gas” МЧЖ ҚК ўз эҳтиёжлари учун бир йиллик эҳтиёжи **350,0 млн.куб.метр** табиий газни ташкил қилган тақдирда, йиллик **500,0 млрд.сўм** қўшимча даромад олишга эришилади ва шу қийматга субсидия қисқаради

Етказиб берилаётган табиий газ миқдорлари “UzGasTrade” АЖ орқали сотилишига ҳамда Жамият даромади ошишига ва Давлат бюджетидан ажратилаётган субсидия миқдорининг камайишига эришилади.



# “UzGasTrade” АЖ томонидан мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечимини топиш бўйича таклиф ва кутилаётган натижалар

## Мавжуд муаммо

Жорий йилда ташқи манбалардан жами **6 431,4 млн.куб метр** ҳажмда импорт қилиш белгилаб қўйилган бўлиб, шундан “Газпром экспорт” орқали **5 304,6 млн.куб метр** ҳамда “Туркмангаз” орқали **1 126,8 млн.куб метр** ҳажмда табиий газни импорт қилиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида ташқи манбалардан жами **2 608,9 млн.куб метр** ёки режага нисбатан **192,1 млн.куб метр** кам миқдорда, шундан “Газпром экспорт” орқали **2 550,1 млн.куб метр** ёки режага нисбатан **5,5 млн.куб метр** ортиқча миқдорда ҳамда “Туркмангаз” орқали **58,8 млн.куб метр** ёки режага нисбатан **197,6 млн.куб метр** кам миқдорда табиий газ импорт қилинган.

Табиий газ импортини сотиб олиниши бўйича аниқ нарх, молиялаштириш манбаси белгиланмаганлиги ва зарурий маблағлар ажратилмаганлиги сабабли ушбу импорт миқдорларини олиш масаласи очик қолмоқда. Газни ер ости иншоотларига жамлаш режасини бажарилишига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

2023-2024 йил куз қиш мавсуми даврида республика истеъмолчиларини табиий газ билан барқарор таъминлаш мақсадида “Газпром экспорт” (Россия газ) билан шартнома тузилган бўлиб, бугунги кунда унинг молиялаштириш манбаи очик қолмоқда.

## Таклиф ★

1. Ҳукумат доирасида “Туркмангаз” билан газ нархини белгилаш ва битим тузилиши масаласини ҳал қилиш;
2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан июль-декабрь ойларида олиниши режалаштирилган **870,4 млн.куб метр** импорт миқдорини молиялаштириш манбаини аниқлаш юзасидан барча зарурий чораларни кўриш.
3. Тарифларни ошириш ёки қўшимча субсидия маблағларини ажратилиши бўйича тегишли чоралар кўриш

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг 1 октябрь кунига қадар импорт миқдорини молиялаштириш масаласини ҳал қилиш.
2. Тарифларни ошириш ёки қўшимча субсидия маблағларини ажратилиши бўйича тегишли чоралар кўриш.

## Кутилаётган натижа

Куз-қиш мавсумида стратегик ва йирик корхоналарига ҳамда аҳоли хонадонларига барқарор табиий газ етказиб берилиши таъминланади.

Куз-қиш мавсумида стратегик ва йирик корхоналарига ҳамда аҳоли хонадонларига барқарор табиий газ етказиб берилиши таъминланади.





# “UzGasTrade” АЖ томонидан мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечимини топиш бўйича таклиф ва кутилаётган натижалар

## Мавжуд муаммо

Давлат бюджети ҳисобидан 2023 йилда “UzGasTrade” АЖ учун **14 200,0 млрд.сўм** субсидия маблағлари режалаштирилган бўлиб, жорий йилда реализация қилинадиган табиий газнинг амалдаги нархлари бўйича ҳисоб-китоб қилинганда йил якунига қадар Жамият кўрадиган зарар **12 131,0 млрд.сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

2022 йил 1 августдан бошлаб “UzGasTrade” АЖ: табиий газни давлатнинг ягона оператори сифатида республикадаги ишлаб чиқарувчилардан Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланадиган нархларда ва импорт орқали ташқи манбалардан **марказлашган тартибда харид қилиш**;

“Худудгазтаъминот” АЖга ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга табиий газни тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш.

Бирок, бугунги кунда алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қатор нефт-газ тармоғи корхоналарига табиий газни ташқи манбалардан **импорт қилиш, ички бозорга сотиш ҳамда экспорт қилиш** ваколатлари берилмоқда.

## Таклиф

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб ҳар **1000 куб метр** табиий газ учун куйидаги нархларни белгилаш таклиф этилади.

- “Иссиқлик электр станциялари” АЖ - учун **1,3 млн.сўм** (30 фоизга ошириш);
- “Ўзкимёсаноат” АЖ учун - **1,5 млн.сўм** (36 фоизга ошириш);
- “Ўзтрансгаз” АЖ учун - **1,8 млн.сўм** (83,7 фоизга ошириш);
- “Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ ва АГТКШлар учун - **1,8 млн.сўм** (36 фоизга ошириш);
- бошқа истеъмолчилар учун - **1,8 млн.сўм** (272,7 фоизга ошириш);
- “Навоий КМК” АЖ учун - **1,8 млн.сўм** (ўзгартирилмас);
- “Худудгазтаъминот” АЖ\* учун - **0,7 млн.сўм** (86,6 фоизга ошириш).

\* - “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархлари ҳам оширилаётганлиги сабабли табиий газ нархининг оширилиши Жамиятнинг даромадларига таъсир кўрсатмайди.

Нефт-газ тармоғи корхоналарига табиий газни ташқи манбалардан **импорт қилиш, ички бозорга сотиш ҳамда экспорт қилиш** ваколатлари берилишида фақатгина “UzGasTrade” АЖ билан шартномалар (импорт, олди-сотди ва комиссия шартномаси) тузишни мажбурий татбиқ этилишини жорий этиш.

## Кутилаётган натижа

Табиий газ реализацияси юқоридаги таклифлар асосида белгиланган нархлар бўйича амалга оширилганда жорий йил якунига қадар Жамиятнинг йил якунидаги зарари 2 бараварга камайиб **6 001,4 млрд.сўмни** ташкил этишига эришилади.

Жамият номидан табиий газ экспортини амалга оширишдан **583,5 млрд.сўм** қўшимча даромад олинишига эришилади.

Бунинг натижасида “UzGasTrade” АЖга қўшимча пул маблағлари келиб тушишига, табиий газ етказиб берувчи хорижий ва маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида тўловларни амалга оширилишига ҳамда давлат бюджетидан субсидия маблағлари ажратилишининг камайишига эришилади.





Эътиборингиз учун рахмат